

# **Узбекистон: Хукумат «Human Rights Watch» ваколатхонасини тугатмокда**

***Америка Кушма Штатлари, Европа Иттифоки фукаролик жамиятдаги таъкиларга карши сиёсий чоралар куриши лозим***

(Лондон, 15 Март, 2011) – Human Rights Watchнинг таъкидлашича, Узбекистон хукумати ташкилотнинг Узбукистондаги ваколатхонасини мажбурий тартибда тугатяпти.

Узбекистон хукумати йиллар мобайнида ташкилотнинг ходимларига виза бери ш ва аккредитайциядан уtkазишни рад этиш оркали унинг фаолиятига тускинлик курсатиб келган. Хозирги пайтда эса, ташкилотни руйхатдан утказмай туриб, Human Rights Watchнинг Тошкентдаги 15 йиллик фаолиятини тугатишга мажбур киляпти.

«Human Rights Watchни хайдаб чикариб, Узбекистон хукумати, унга инсон хукуклари масалаларида хеч кандай танкидга чидамаслигини очикдан-очик намоен килмокда», таъкиллади, Human Rights Watch директори, Кеннет Рос. «Аммо мен хам очикчасига айтмокчиманки, биз бунга эътиборсиз колмаймиз. Биз Узбекистондаги сувистемолчилик хакида хабар беришга аввалгидан хам кура тайермиз.»

10 Март, 2011 йилда Human Rights Watch Адлия Вазирлиги ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонасини тугатиш талаби билан чикканлиги хакида Узбекистон Республикаси Олий Судидан хабар топди. Биринчи суд мажлиси 15 марта белгиланди. Human Rights Watch Узбекистонда 1996 йилдан давлат руйхатида турган. Узбукистон хукумати бу суд жараенини бошлаш асослари ва сабаблари тугрисида чеч кандай маълумот берган эмас.

Узбекистон хукумати илгари «Human Rights Watch» тадқикотчиси Стив Свердловга фаолият амалга ошириш учун аккредитациядан утказишни рад килган. Рад килиш карори тугрисидаги хат Адлия Вазири томонидан 2010 йил 25 Декабрь куни топширилди. Ушбу карорга асосан, Свердлов аккредитацияси рад этилишига сабаб килиб Human Rights Watchнинг «Узбекистон конунчилигига доимий равишда риоя килмаганлиги» ва Свердловнинг «Узбекистон билан ва умуман худуд микёсида хамкорлик килиш тажрибаси йуклиги» кайд килинган. Кайси конунларга хусусан Human Rights Watch, уларнинг таъкидлашича, риоя килмайтганлиги карода курсатилмаган.

«Бизнинг Узбекистон конунчилигига риоя килмаслигимизни ва худуд микёсида тажрибамиз йуклигини Узбекистон хукумати такрорий равишда асос килиб олиб, ходимларимизни аккредитациядан утказишни рад килиб келган», таъкиллади Рос. «Бу арзлар мантиқка умуман карши булиб, аслида бизнинг Узбекистон худудида булишимизга йул куймаслик максадида ишлатилаётган ёлгон баҳонадир.»

2004 йилдан бошлаб, Узбекистон хукумати Human Rights Watch ходимларига виза бериш ва/ёки аккредитациядан утказишни рад этиш ёки ахамиятли равища кечикириш, хатто-ки, ходимларнинг бирига карши жиноий иш кузгатиш билан куркитиш оркали Human Rights Watch фаолиятига аралашиб келган. Узбекистон хукумати 2008 йил, Июль ойидан бошлаб, ташкилотнинг илгариги вакилини аккредитациядан утказишни рад килиб, кейинчалик унинг «Узбекистон маданияти ва урф-одатларини билмаслиги» асосида давлат худудида булишни таъкилаб, ташкилотни фаолият курсатиш имкониятидан маҳрум килди. Аккредитациядан утказишни рад килишдан олдин, Свердлов, 2010 йилда, факатгина 2 ойга давлат худудига рухсат этилган эди.

Охирги икки ярим йил мобанида, Узбекистон хокимият органлари Human Rights Watchнинг Узбекистон худудидаги фаолиятига тускинлик курсатишни давом эттирган. 2009 йил, Июль ойида, Human Rights Watchнинг ёрдамчи тадқикотчиси Тошкентга келиши билан, кайтариб жунатилган. 2009 йил, Десабрь ойида, Карши шахрида, Human Rights Watch тадқикотчисига карши куч ишлатиш оркали хужум ўюнтирилган; бу хужум давлат хокимиятининг бошкаруви асосида амалга оширилганлиги хаммага аён. Хужумдан кейин ташкилот тадқикотчиси милиция томонидан вактинчалик ушланиб, сунг шахардан чикариб юборилди. Бошка катор инсон хукуклари химоячилари хам Карши ва Маргилон шахар милицияси томонидан, тадқикотчи билан учрашишини олдини олиш учун ушланган.

Human Rights Watchнинг хайдаб чикарилиши, Узбекистонда инсон хукуклари борасида чукурлашиб бораётган кризис пайтига тугри келди. Куплаб инсон хукуклари ва сиёsat фаолиятчилари ва мустакил журналистлар камокда, кийновлар ва ёмон муомала жиноят хукуки системасида ортиб бормокда ва жиддий хукукбузарликлар жазосиз колмокда. Охирги етти йил мобайнида, Узбекистон хукумати деярли хамма хорижий нодавлат ташкилотларини уз худудидан хайдаб чикарди. Бундан ташкири, Узбекистон хукумати, таклифнома талабларини узок муддат мобайнида кутиб келган, саккизтага якин МДХ маҳсус докладчилари сингари инсон хукуклари буйича бошка мустакил кузатувчиларни доимий равища рад этмокда.

Роснинг таъкидлашича: «Узбекистон хукуматининг инсон хукукларини химоя килувчи мустакил гурухларнинг уз ишимизни бажаришимизга тускинлик килиши, Узбекистондаги инсон хукуклари борасидаги шундай хам ачинарли ахволини янада хам ёмонлаштириб, куплаб даҳшатли субъистемолчилик ва конунбузарликларнинг жазосиз колишига йул очмокда ва давлатнинг инсон хукуклари жамоасини алохидалаштириб куймокда.»

Human Rights Watchнинг Тошкентдан хайдаб чикарилиши, шунингдек, Узбекистон ва Европа Иттифокининг янгиланаётган хамкорлиги пайтига тугри келди. Европа Комиссияси президенти Хосе Мануэл Бароссо якинда Узбекистон президенти Ислом Каримовни мехмон килди. Бу учрашув инсон хукуклари фаолиятчилари ва оммавий

ахборот томонидан жуда кучли танкид килинди. Европа Иттифокининг такорран таъкидлашича Узбекистонда инсон хукукларининг ривожланиши бу янгиланган хамкорликнинг асосий шарти. Узбекистоннинг бу борада Иттифокнинг талабларига хавоб берувчи хеч кандай аник ва кузга ташланадиган ривож курсата олмаётганлигига карамасдан, [Европа Иттифоки хеч кандай чора курмаяпти.](#)

Америка Кушма Штатлари хам сунгги бир неча йил мобайнида Тошкент билан хамкорликни тиклаш сиёсатини обормоқда. Американинг Узбекистон билан хозирги алоказлари асосан Мудофаа Департаменти билан боғлиқ. Департамент Узбекистон худудини, Шимолий Тарқатиш Маркази сифатида, Афғонистонга куролли кучларни утказиш учун ишлатмоқда, аммо Америка холигача Узбекистон расмий вакилларига виза олишни таъкиклаб келмоқда. Штат Секретари Хиллари Клинтоннинг Декабрь ойидаги Тошкентга килган [охирги ташрифи](#) мобайнида билдирган: Узбекистон инсон хукукларини муҳофаза килиш тугрисидаги «сузларни харакатга айлантириш» кераклиги тугрисидаги таъникидий фикр-мулоҳазаларидан ташкари, Америка Узбекистондаги инсон хукуклари бузилишини мавзусида деярли хеч кандай оммавий мулоҳазалар билан чикмаган.

Human Rights Watch Америка Кушма Штатлари, Европа Иттифоки ва унга аъзо давлатлардан Human Rights Watchни хайдаши туфайли Узбекистонни оммавий равища танкид остига олиш ва Тошкент билан катъијорк инсон хукуклари сиёсатини оборишни суради.

«Узбекистон хеч кандай шубҳасиз, Human Rights Watchнинг уз ишини баҳаришига тускинлик килаётган бошка репрессив давлалар руйхатига кирди», таъкидлади Рос. «Тошкентнинг хисоблашича ахолини кийнаш ва халкаро омманинг аралашувини таъкиклаш жазосиз утади. Америка Кушма Штатлари ва Европа Иттифоки бу хисботларнинг хатолигини исботлаши ва инсон хукукларининг купол бузилиши хаммага аён булиши хамда аник окибатларга олиб келишини таъминлаши лозим.»

Human Rights Watch Узбекистон хукуматига нисбаттан фуқаролик жамиятидаги ушбу таъкикларга дархол нукта кўйиши, маҳаллий ва халкаро инсон хукукларини муҳофазаловчи мустакил гурухлар фаолиятига аралашмасдан фаолиятига руҳсат бериш талаби билан чиқди. Узбекистон руйхатдан утмай колган ёки бошка сабаблар туфайли Узбекистондаги уз фаолиятини тухтатишга мажбур булган гурухларни руйхатдан утказиши ва нодавлат ташкилотлари ходимларига керакли виза ва аккредитацияларни бериши лозим.

Human Rights Watch Узбекистондаги инсон хукуклари сұйистемолчилиги борасидаги

текширувларни давом эттириш ва ушбу борада уз фикр-мулохазаларини Узбекистон хукуматига маълум килиш ниятидадир.

### **Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият**

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни аянчли деб баҳолаш мумкин.

Қийноқлар ва ноинсоний муносабат жиноят тергови ва аддия тизимида систематик тус олган. Энг камидан 13 инсон ҳуқуқлари фаоли қамоқда уйдирма айблар билан жазо ўтамоқда. Бу маҳкумларнинг соғлиги ёмонлашган.

Бошқа фаоллар кундалик тазийк, чеклов ва жиноий жавобгарликка тортилиш ҳавотири билан юзма юз яшамоқда.

Ҳукумат сўз, фикр ва ифода эркинлигини қаттиқ чеклаб, мустақил журналистларни тухмат қилишда айблаб, улар устидан жиноий ишлар очмоқда. Оқибатда журналистларнинг реал қамоқ муддати ёки улкан пул жаримасига тортилиши ҳеч нарса бўлмай қолди.

Кўплаб мустақил адвокатлар, айниқса сиёсий руҳдаги жараёнларда иштирок қилган адвокатлар, адвокатлик лицензиясидан маҳрум қилинди.

Мустақил мусулмонлар ва насроний жамоалари аъзолари кўп йиллардан бери давом эттаётган доимий репрессия ўқига ҳамон нишон бўлишмоқда.

2010 йил охирида президент Ислом Каримов парламентда қилган ваъзида ОАВ ва фуқаровий жамият ривожи зарурлигини таъкидлади.

Амалда эса ўзбекистонликлар энг оддий фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлардан ҳам мосуво қолмоқда. Ўзбекистонликлар сўзу ифода эркинлиги ва йиғилишлар ўтказиш эркинлигидан маҳрум қилинган.

Расмий Тошкент 2005 йилдаги Андижон воқеаси юзасидан мустақил текширув ўтказиш талабларини эътиборсиз қолдирмоқда. 2005 йилда ҳукумат кучлари юзлаб тинч ва аксарияти қуролсиз бўлган намойишчиларни отиб ўлдирган эди.

Қирғин гувоҳлари ва қирғиндан қочганларнинг Андижонда қолган яқинлари ҳануз тазийк ва чекловларга дучор қилинмоқда.

### **Қийноқлар ва ноинсоний муносабат**

Ўзбекистонда қийноқлар кенг қўламда ва систематик тарзда қўлланилади. Қийноқни амалга оширган мулозимлар деярли ва доимо жазосиз қолади.

Қийноқлар жиноят судлов тизимининг барча босқичларида кенг қўлланилади. Милиция ва СНБ (миллий ҳавфсизлик хизмати) маҳкумлардан иқрорнома олиш ёки учинчи шахсга нисбатан ёлғон кўрсатма олиш учун давомли қийноқлар қўллайди.

Қийноқ остида олинган иқорнома ва кўрсатмалар аксар суд жараёнларида айблов ҳукми учун ягона асос бўлиб қолмоқда. Қийноқлар юзасидан суд залида билдирилган шикоятлар ҳакамлар тарафидан деярли эътиборсиз қолдирилади.

Одатда маҳкум ва маҳбуслар тўқмоқ билан калтакланганлиги, электрошок билан қийнаганлик ҳамда тирсак ёки болдиридан боғлаб осиб қўйилганлик юзасидан шикоят қилишади.

Шунингдек маҳкум ва маҳбуслар жинсий хўрланиб таҳқирлангани ва бошига пластик пакет кийгизиб бўғишганини ҳам айтишади. Маҳбуслар бошига противогаз кийгизиб ҳаво кирадиган жўмракни ёпиб қўйиб қийнаш ҳам кенг тарқалган. Маҳбусларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳам жисмоний қийноқ ва тажовуз таҳди迪 билан юзма юз қолмоқда.

2010 йил октябр ойида юзлаб маҳкамаларда иштирок қилган тошкенттлик таникли адвокат Хьюман Райтс Вотчга мана булаарни айтди:

“Мен алоқада бўлганлар ва СИЗО,(жазо муассасаси)да ўтирган ҳимоямдаги маҳбуслар гапидан келиб чиқиб айтсан, кейинги йилларда қийноқ ва таҳқирли муносабат анча кўпайган. Бу борадаги вазият кейинги бир неча йилда ўта ёмонлашган. Қийноқларнинг гувоҳларсиз қўлланилиши ва мазлумлар шикоятлари қамоқ ичида қолиб кетиши боис бу вазиятдан кўпчилик беҳабар.

Ҳимоямдаги маҳбуслар билан қийноқлар ҳақида гаплашганимда уларда мутлақ умидсизлик ва чорасизликни кўраман. Мен ўз ҳимоямдаги маҳбусларни қамоқхонага бориб кўрганимда улар танасида қийноқ аломатларига кўзим тушади. Улар терговчи ёки милиция ходими томонидан қийноққа солинганини дарров биламан.

Аммо улар бу қийноқларнинг қайта тақрорланишидан шу қадар чўчишади ва суднинг бу вазиятни бартараф қилишига шу қадар ишонишмайди ва мендан кўрган ва эшитганларим ҳақида чурқ этмасликни ёлвориб сўрашади.

Улар адвокат қийноқлар борасида судга шикоят ёзиши мумкинлигини билишади ва буни мутлақо исташмайди. Чунки охир оқибатда улар қамоқхона хужрасида қийноқ ҳақида шикоят ёзган адвокат ё бу шикоятни эшитган судя билан эмас, балки уни қийнаган милиционер билан бетма бет қолишади.”

БМТнинг қийноқлар борасидаги идораси тарафидан Ўзбекистондаги қийноқлар “системали” ва “ доимий давомли” характерга эга эканлиги эътироф қилиган ,аммо Ўзбекистон ҳукумати қийноқларни бартараф қилиш тавсияларини бажаришга шошмаяпти.

Хусусан 2002 йилда БМТнинг қийноқлар бўйича маҳсус маъruzачисининг мамлакатни зиёрат қилганидан сўнг берган кенг қамровли, сертафсилот тавсияларига амал қилингани йўқ.

Буни ўрнига расмий Тошкент ҳибсга олишнинг суд санкциясига кўра амалга ошириш ҳақидаги яқинда киритилган тадбирини ижобий холат деб кўз кўзлаш билан банд. Расмий

Тошкент назарида қамаш учун суд санкцияси маҳбусларга нисбатан сұйыстемолчиликтарни бартараф қиладиган омилдир.

Амалда бу холат қийноқлар ва ноинсоний муносабатта бархам бергани йўқ.

Бизнинг тадқиқотимизга кўра, 2008 йилда жорий қилинган суд санкцияси билан ҳибсга олиш амалиёти маҳбусларни қийноқ ва ноинсоний муносабатдан химоя қила олмади, уларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминламади.

Суд автоматик тарзда терговчи ёки прокурорнинг ҳибсга олиш ҳақидаги сўровини қаноатлантиради. Амалдаги қонун судлар томонидан ҳибсга олиш ҳақидаги сўровнинг қонунийлигини текширишни тақозо ҳам қилмайди.

Айни ҳолат доирасида қийноқлар ва ноинсоний муносабат борасидаги шикоятлар деярли кўрилмайди. Маҳбус суд олдига қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси ҳақидаги масалани қўя олмайди.

Ҳибсга олинганлар кўп холларда адвокат билан учраштирилмайди. Айниқса илк тергов даврида ва сўроқ пайтида адвокат ўз мижозига ёрдам бера олмайди. Ёник режимда кечадиган сўроқ ва эшитувлар адвокат иштирокисиз ўтади.

**Ўзбекистонлик адвокат** Хьюман Райтс Вотч билан сухбатда мана буларни айтди:

“Икки йил мобайнида, янги тартиб жорий қилинганидан бери мен бирорта ҳам судянинг ҳибсга олиш ҳақидаги сўровномасини рад қилганини кўрганим йўқ. Янги қонунчиликка кўра айбланувчи 72 соат ичида ҳибсга олиш ҳақидаги санкцияни олиш учун судга келтирилиши керак. Аммо муаммо шундаки, олдин айбланувчини 15 сутка маъмурий тарзда бир сабаб топиб қамашади. 15 сутка ичида бу одамни ҳар нарса қилиш мумкин. Уни уриб қилмаган айбига икрор қилдириш, керакли кўрсатмаларни олиш ва бу иқрономалар билан судга санкция учун бориш мумкин.”

2009 йил январида суднинг ҳибсга олиш санкциялари жорий қилинганидан бир йил ўтиб адвокатларни лицензиялаш ҳуқуқи адвокатлар коллегиясидан олиниб Адлия вазирлигига берилди.

Бу ислоҳот ҳимоянинг мустақиллигини шубҳа остига қўйди ва қамоқдаги ҳуқуқ ҳимоячилари ва сиёсий фаолларни ҳимоя қилиб келган адвокатларнинг лицензиядан маҳрум бўлишига олиб келди.

2009 йили лицензияси олиб қўйилган таниқли адвокат **Руҳиддин Комилов** мана буларни деди:

“Олдин мен инсон ҳуқуқи фаолларининг “сиёсий” маҳкамам жарёнларида ва экстремизмда айбланган маҳбуслар ишида ҳимоячи ўлароқ қатнашар эдим. Мен бир адвокат сифатида ҳимояга муҳтоҷ барчани ҳимоя қилиш каби бурчимни бажарган эдим ҳолос.

Кимdir келиб ҳуқуқий кўмак сўраг экан қандай қилиб йўқ деб бўлади.

Аммо ҳукуматга химоячилар керак эмас экан, ҳукуматга маҳбусларнинг айбини “фош” қиласиган тергов ва суд жараёнидаги процессуал меёrlар бузилишига кўз юмадиган “адвокат” керак экан”

### **Ғулом. Г ни қандай қийноққа солиши**

**Нодира Н.** (асл исми сир тутилади) Хьюман Райтс Вотчга қандай қилиб унинг ўсмир ўғли Ғулом 2010 йил ноябр ойида икрорнома ёздириш учун шафқатсиз қийноққа солингланлигини гапириб берди:

“25 ноябр куни мен ўғлимни милиция идорасида кўрдим. Ўғлимга овқат ва кийим кечак олиб келувдим. 10 минут кўришувга изн беришди. Соат кечки 6 билан 7 ораси эди. Ўғлимни бўйнида противогаздан қолган узун из бор эди. Ўғлим менга милиционерлар уни қилмаган ўғирлигини бўйнига қўйиш учун қандай қилиб қийнашганини айтиб беришга улгурди. Уни бўйнига цеплофан пакет кийгизишган, кейин противогаз кийгизишган. У нафас олмай бўғилган. Ўлар холатда милиционерлар айтган қофозга қўл қўйиб берган. Ўғлим менга, она мени милиционерлар уриб, қилмаган айбимга, қилмаган ўғирликка иқор қилдиришди деди.”

### **Бахтиёр Б ни қандай қийнашди**

Хьюман Райтс Вотч билан сухбатда Зиёда З. (асл исми сир тутилади) 2010 йилнинг январида диний экстремистик ташкилотга мансубликда ва конституцияга тажовуз қилишда айбланиб 17 йиллик қамоқ жазосини ўтаётган эрим Бахтиёрни кўришга борганини хикоя қилади:

“Эримни ахволини кўриб йиғлаб юбордим. У аранг оёғида турар эди, қўлидаги иккита бармоғи ва оёғидаги иккита бармоғидаги тирноқлари суғуриб олинган эди.

Мен нима бўлди деб сўрадим. Уни орқасида қамоқ нозирлари қулогини динг қилиб турар эди. Эрим бир оз жим туриб имо ишора билан тирноқлари суғурилганлигини билдири.

Унинг бутун оёқлари тиззалари елкаси қалтак доғларидан кўкариб момоталоқ бўлиб кетган эди. У қаддини тўғри тутиб ўтира олмас эди. Ҳудди бирор уни ичидан умуртқа поғонасини суғуриб олгандай букилиб ўтирап эди. Кейин эрим менга фишт заводида атайлаб каллакесар жиноятчилар билан бирга қўйишганини бир амаллаб айтди. Диний айблов билан ўтирганларни оддий жиноятчилар фишт заводида белкурак билан уришар экан. Ўзидан кетиб қолгач сув сепишар экан. Ўзига келгач яна уришар экан. Эрим мен бунга чидамасадн ўлиб кетсан керагов деб айтди.”

### **Ўткир. У ни қандай қийнашди**

**Райхон Р.** (асл исми сир) Хьюман Райтс Вотч билан сухбатда 2010 йил июл ойида диний экстремизмда айбланиб 16 йилик қамоқ жазосини ўтаётган эри Ўткир билан учрашув пайтида кузатгандатирини гапириб берди. Ўткир қамоқ нозирлари давомли тарзда почкасига тепишганини хотинига етказган эди. Охирги учрашув пайтида камерадаги

бошқа маҳкумлар қамоқ маъмурлари талаби билан уни тинимсиз қийнашини гапириб берган

### **Райхон Р ҳикояси :**

“ Ўткир қамоқ ҳужрасида 159 билан айбланган ягона маҳкум. У билан ўтирган қолган 8 маҳбус оддий жиноятчилардир. Улар Ўткирни давомли тарзда таҳқирлашади. Эрим уни қандай қилиб 13 позицияга қўйишганини айтиб берди. Камерадаги маҳбуслар қамоқхона нозирларидан кишан олиб Ўткирни дераза панжарасига ҳоч қилиб осиб қўйишган. Бутун кун бўйи эрим шундай осилиб турган ҳатто ҳожатга ҳам изн беришмаган, боз устига маҳбуслар галма галдан эримни калтаклаб туришган.

Эримни айтишича ҳочга тортилишдан яъни 13 позициядан қутулишнинг ягона йўли бошни темир панжараага тинмай уриш,кора қонигга булғанганингдан кейингина кишанни ечишади.Бошидан қони оқмасин деб камерадагилар Ўткирни бошига шляпа кийгизишган. Бошқа номоз ўқимайман деб ваъда берганидан кейингина қийноқ тўхтатилган.”

### **Фуқаровий жамият тузилмалари ва ҳуқуқ ҳимоячиларига тазииклар**

Ҳукумат Ўзбекистондаги маҳаллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятига доимо тўғаноқ бўлиб келади.Маҳаллий мустақил инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи гуруҳлар рўйхатга олинмайди ва улар доимий чеклов ва тазииклар билан юзма юз қолади.

Расман фақат битта мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилоти рўйхатга олинган ҳолос. Қолган мустақил гуруҳлар ўта қийин аҳволда фаолият олиб боришга мубтало.

2004 йилдан бошлаб ҳукумат тўғридан тўғри ва билвосита бир қанча халқаро ташкилотларни мамлакатдаги фаолиятига нуқта қўйди.

“Очиқ жамият институти” Би-би-си, «Немис тўлкини», Озодлик радиоси, Интерњюс, Freedom House, Counterpart International, Америка адвокатлар уюшмаси.

Ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур қилинган ҳеч бир ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистонда қайта тиклай олмади.2005 йил [андижон воқеаларидан кейин](#) ҳукумат маҳаллий инсон ҳуқуқлари фаолларига қарши кенг кўламли репрессияни бошлади.

Қатор фаоллар, ўнлаб ҳуқуқ ҳимоячилари, мустақил журналистлар, қирғин кўлами ҳақида ҳақиқатни айтишга чоғланганлар панжара ортига тушди.

Мамлакатда фуқаровий фаоллик олдингиси каби қаттиқ чекланмоқда. Мустақил журналистлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари ўзларининг тинч фаолияти учун мунтазам тазиик,таҳдид ва ҳибсга олиниш каби оқибатлар билан юзма юз қолмоқда.

Ҳукумат ҳеч бир тарзда расмий фикрдан бошқа ҳеч қандай бошқача фикрни ҳазм қила олмайди.

Кўп холларда фаоллар орқасидан пойлоқчилар қўйилади, уларнинг уйларидан чиқишига йўл қўйилмади. Баъзи инсон ҳуқуқлари фаолларига мамлакатдан чиқишга изн берилмади. Баъзи фаоллар тазиқлардан чарчаб ҳуқуқ ҳимоячилигини тарқ қилди, кўплар элни ташлаб эмиграцияга кетди.

Биздаги мавжуд маълумотга кўра, хозир 13 нафар ҳуқуқ ҳимоячиси панжара ортида қолмоқда. Улар мутлақ қасбий фаолияти боис ҳукм қилинган.

Солижон Абдурахмонов, Аъзам Фармонов, Носим Исаков, Файбулло Жалилов, Алишер Караматов, Жамшид Каримов, Норбой Холжигитов, Расул Худойназаров, Фанихон Маматханов, Хабибулла Оқпўлатов, Йўлдош Расулов, Дилмурод Сайдов ва Аъзам Турғунов.

Сиёсий фаолияти учун бошқа фаоллар, жумладан диссидент шоир Юсуф Жума ҳам қамоқда жазо ўтамоқда. Қамоқдаги инсон ҳуқуқлари фаолларининг яқинлари Хьюман Райтс Вотч билан сұхбатда маҳкумларнинг соғлиги борасида жиддий ҳавотир билдиришди.

Бизда қамоқдаги инсон ҳуқуқлари фаоллари соғлиги ўта ёмонлашгани ҳақида ишончли маълумотлар бор. Ёмон овқатлангани боис уларнинг тишлари тушиб кетган вазн йўқотишган. Энг камида етти нафар қамоқдаги инсон ҳуқуқлари фаоли қийноққа солинган ва уларга ноинсоний муносабатда бўлинган.

Ҳукм қилинган инсон ҳуқуқлари фаоллари қўшимча жазоларга мубтало бўлмоқда. Масалан улар ички қамоқ режимини бузишда айбланган. Энг камида икки маҳкумнинг қамоқ жазосига янги муддат қўшиб берилган.

2009 йилнинг сентябр ойида Ҳабибулла Оқпўлатов 4 йиллик қамоқ муддатини ўтаб бўлгач унга яна 3 йилу 8 ой янги муддат қўшиб беришди. Оқпўлатов қамоқнинг ички режимини бузишда айбланди. 2010 йилнинг августида диний экстремизм деган уйдирма айб билан 9 йилга ҳукм қилинган Файбулло Жалиловнинг қамоқдаги муддати 11 йилу бир ой ва беш кунга узайтирилди.

Яна бир сиёсий асосланган жиной иш инсон ҳуқуқлари фаоли Татьяна Давлатовага оидdir. 2010 йил 24 январ куни Давлатова Тошкентдаги Ҳамза тумани суди томонидан безорилик (277 модда 2 қ. ЎЖК) уйдирма айби билан ҳукм қилинди. Давлатова суднинг якуний мажлиси ҳақида огоҳлантирилмади ва сўнг сўз айтиш ҳуқуқидан мосуво қилинди. Бу сиртдан ҳукм қилиш билан teng маҳкамадир.

Суд Давлатовага нисбатан амнистия қўллаб авф қилган бўлсада маҳкум зиммасида судланганлик тамфаси сақлаб қолинди.

Одамларнинг фикр ва ифода эркинлигини чеклашнинг янги ва янги мисоллари бор. 2010 йил 27 ноябр куни, Ўзбекистонда кўп партияийлик ҳақида Каримов ваъзидан икки ҳафта сўнг, бир гурух фаоллар “Халқ манфаати” деган социал демократик партия тузиш истагида йиғилиш ўтказиши. Орадан бир икки кун ўтгач ташкилий қўмита аъзолари

милицияга чақирилди. Улар бир неча соат давомида таҳкирли сўроқка тутилди, бармоқ излари олинди.

6 декабр куни ҳуқуқ фаоли Абдулло Тожибой-ўғли, Дмитрий Тихонов ва Виктория Боженова Тошкентдаги мустақиллик майдонига пикетга чиқиши. Владимир Хусаинов бу пикетни кузатиб турди.

Тихоновнинг Хьюман Райтс Вотчга айтишича тадбир тугаши биланоқ улар тинчгина тарқалишган, аммо маҳсус хизмат вакиллари келиб уларни ушлаб олиб кетган.

“Биз ўз талабларимиз билан 10 дақика турга олдик ҳолос. 10 дақика. Балким 15 дақика кўп эмас. Бизга тарқалинг дейиши. Биз плакатларимизни йиғиштириб тарқала бошладик.

Ана шу пайтда бизни ушлаб олиб кетиши. Улар фуқаро кийимидағи одамлар эди. Хужжат кўрсатишмади. Бизни машинага солиб Юнусобод милиция бўлимига олиб бориши.

Милицияда бизни соат 17:30 ёки 18:00гача ушлаб туриши. Ана шундан кейин Юнусободский туман судига олиб бориб бизни маъмурий жаримага тортиши. Биз оммавий тадбирларни ўтказиш тартибини бузган деб топилдик (маъмурий жавобгарлик кодекснинг 201моддаси) Бизни 60 дан тортиб 70гача энг кам ойлик маоши миқдорида жаримага тортиши. (1780 – 2080 АҚШ долл.). Дмитрий Тихоновнинг бизга билдиришича, бу холатда фуқароларнинг суд жараёнида адолатли муҳокама ҳуқуқи қўпол бузилган: «Бизга адвокат беришмади, хужжатлар билан таништирилмадик ҳамда таржимон йўқ эди».

### Сўз эркинлигини чеклаш

Ўзбекистонда ахборот эркинлиги ва ифода эркинлиги бирдай чеклаб қўйилган. Ўзбекистон ҳақида танқид ёзган сайtlар мамлакат ҳудудидан туриб мунтазам тарзда тўсиб қўйилмоқда. Мамлакатдаги кам сонли мустақил журналистлар ўз ўзини цензура қилган ҳолда ёзиб, таҳдидларга чап беришга уринсаларда, улар барибир катта ҳавф, ҳусусан қамоқ таҳдида остида қолмоқда.

Сўз эркинлигини чеклаш маъракаси ва танқид қилишга чоғланган овозларни буткул бўғиши баробарида Хьюман Райтс Вотч Ўзбекистондан қувиб чиқарилмоқда.

Хукумат ўз мухолифларига қарши курашда аксар [шубҳали жиноий ишлар очиш](#) усулини кўллади.

Кейинги ярим йил ичида бунга мисол бўла оладиган 2 воқеани эслаш лозим.

2010 йилнинг 15 октябрида Америка овози радиосининг Тошкентдаги мухбири **Абдумалик Бобоев** 11 минг АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилди. Бобоев жамоат ҳавфсизлигига таҳдид солувчи лавҳаларни таёrlаб тарқатганликда айбланди. Ундан икки кун олдин ҳудди шундай айб билан рус тилидаги информацион сайт *Vesti.uz боши мухаррири* Владимир Березовский ҳам айбланган эди.

Абдумалик Бобоев Хьюман Райтс Вотчга ўз журналистик маслаги учун қатағонга учрашини күтмаганини айтди. : «Менинг ягона истагим - журналист сифатида эркин ишлаш, жамиятдаги жараёнларни таҳдид ҳавфидан қўрқмай ҳолис ёритиш эди. Энг камида мен ҳақиқат учун ўлдиришмайди деган ишончда собит эдим».

### **Мустақил мусулмонларнинг таъқиб қилиниши**

Ўзбекистонда хукуматдан изнисиз тарзда ибодат қиласиган ва рўйхатдан ўтмаган жамоаларга мансуб [мусулмонларни қамаш ва қийнашнинг қўп йиллик қатағон тўлқини](#) пасайгани йўқ.

Зўравонлик билан боғлиқ бўлмаган, ўз диний эътиқодига оид ибодат ва амалларни тинч тарзда қилган мусулмонлар узоқ муддатли жазо колонияларига юбориладилар.

Бу мусулмонлар жазо колонияларида ўта ноинсоний шарооитларда жазо ўташга маҳкум.

Хьюман Райтс Вотч ана шундай мусулмон маҳкумлар ишига оид минглаб мисолларни ҳужжатлаштириди.

2010 йилнинг ноябр ва декабр ойларида биз бир неча адвокатлар сухбатида бўлдик. Бу адвокатлар конституцион тузумга тажовуз қилиш (159 модда ЎЖК) ва диний экстремистик ташкилотлар ишида қатнашганлк айби ( 244-2) билан қамалган маҳкум ва маҳбусларни ҳимоя қилишади.

Бу икки модда (159 ва 244) мустақил мусулмонларга қарши кенг кўламда қўлланилади. Факат 2010 йилнинг ўзида бу моддалар билан 200га яқин мусулмон қамоққа олинди ва ҳукм қилинди. 2010йил март ойида ҳукми ўқилган 5 нафар маҳкумни ҳимоя қилган **адвокат ҳикояси:**

“ Каттагина гурухни гўёки ноконуний диний ташкилот тузганлар сифатида қўлга олишди. Биттасини террорчиликда айблашди. У рамазон пайтида ким биландир учрашган экан. Улар қамалиши билан менга бир неча оила мурожаат қилиб ҳуқуқий кўмак сўрашди. Мен уларга адвокат бўлиб ёлландим. Ҳимоямдаги маҳбуслар ёнига мени улар қамоққа олинганидан 3 кун ўтиб киргизиши! Мен илк кунданоқ милицияга бориб ҳимоямдаги маҳбуслар билан учрашмоқчи эканимни айтдим. Мен адвокатлик шартномасини кўрсатдим. Улар мени 5 соат куттиришди лекин мени маҳбуслар билан юзлаштиришгани йўқ.

Мени ниҳоят 3 кундан кейин улар олдига қўйиши. Бу энди улар 5 ойга ҳибс қилиниши ҳақидаги суд санкциясидан кейин эди.

Мен ўз ҳимоямдаги маҳбусдан кийимларини ечишни сўрадим. Уни кўринмайдиган ва билинмайдиган қилиб уришгани маълум бўлди. У қалтираб зўрға турар эди. Уни оёғига сув тўлдирилган баклашка билан уришган. Кўкармайдиган жойларини эса резинка тўқмоқ билан савалашган.

Билишимча ҳамма маҳбуслар ана шу тарзда калтакланибди ва қийнокқа солинибди.”

Милиция мусулмонларни ҳибсга олар экан уларнинг яқинлариға қайси қамоқда сақланаётгандарини маълум қилмайди.

Ҳибсга олинганликни инкор қилиш ва қамоққа олинганнинг қаердалигини айтмаслик халқаро ҳуқуқда зўравонлик билан одамни кўздан ғойиб қилиш деб малакаланади ва бу инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши деб билинади. Бу ишни содир қилганлар жиноий жавобгарликка тортилиши тақозо қилинади.

**Умида У.** (ҳақиқий исми сир) Қаршида 2010 йилнинг октябрида қамоққа олинган ўғлини 5 кун давомида қандай қидирганини **Хьюман Райтс Вотчга** айтиб берди:

“ Мен ўзим қидирдим. ОЛдин касалхоналарни кейин ўлихоналарни бирма бир айландим. Ҳар ерда қидирдим. Кейин милицияга бордим. Бу ерда у йўқ. Сенинг ўғлинг бу ерда йўқ дейишди. СНБ га бордим. Улар бетини без қилиб йўқ деб туришди. Беш кун ўтиб СНБ идорасида улар билан айтишдим ва йиғлаб юбордим. Улар ниҳоят ўғлинг шахар милицияси ҳибсхонасида дейишди. “

Диний эътиқодий маҳкумлар жазо ўтаётган колония маъмурияти бу маҳкумларнинг жазо муддатларини янги ишлар очиш воситасида узайтираётгани жиддий ҳавотир уйғотади.

Уларкўпинча жазо колонияси ички режимини бузганликда айбланишади. Уларнинг соқоли олинмагани ёки қамоқхона нозирининг буйруғини бажармаганлиги жиноий иш очилиши учун асос бўлмоқда.

Бу холатда маҳкумлар етрали процессуа кафолатлардан маҳрум қолишади ва уларнинг қамоқдаги муддати ўта осон бир тарзда 3 йилга ва ундан ҳам кўпга узайтирилиши мумкин.

### **Андижон воқеалари юзасидан маъсулият**

2005 йилнинг 13 майда ҳукумат кучлари тарафидан юзлаб акасарияти қуролсиз намойишчилар ўққа тутилаганидан бери **Хьюман Райтс Вотч** изчил ва давомли тарзда оммавий қирғин айборлариниadolатли жазолаш ва енг қўламли қирғин юзасидан текширув ўтказилишини талаоб қилиб келади.

Зоро 13 май куни минглаб андижонликлар йўқ силлик ва репрессияга қарши Андижоннинг Бобур майдонига ўз норозилигини билдириш учун чиқишиган эди. **Уларнинг норозилик талабига ҳукумат ўқ ёмғири билан жавоб қайтарди.**

Бугунга Андижонда қадар тинч намойишчиларга қарши ўқ узган бирор одам жавобгарликка тортилгани йўқ. 13 май воқеалари ва жавобгарлари юзасидан бирор аниқлик ва ойдинлик ҳам ҳалигача йўқ.

Ўтган 6 йил мобайнида расмий Тошкент халқаро ҳамжамиятнинг Андижон фожеаси юзасидан мустақил халқаро текширув ўтказиш талабини кескин рад қилиб келди.

Бунинг баробарида қирғин гувоҳлари ва кирғиндан қочганларнинг Андижонда қолган яқинлари ҳануз тазиик ва чекловларга дучор қилинмоқда. [Бу воқеанинг ҳар қандай эҳтимолий иштироғиси ёки гувоҳи тазиик остига олинмоқда.](#)

Хукумат воқеадан кейин мамлакатдан кетиб, қочқин мақоми олиб чет элда ёшаётгандарнинг андижондаги яқинларини бирма бир қўрқитиб тазиик остига олмоқда.

Милиция улар орқасидан доимий кузатмоқда. Улар ёлғон гувоҳлик кўрсатмаси беришга мажбур қилинмоқда. Уларга уй жой ва мол мулкларингизни тортиб оламиз ва устингиздан жиноий иш очамиз деб таҳдид қилинмоқда.

Мактабларда андижонлик қочқинларнинг фарзандлари маъмурият тарафидан ошкора бошқа ўқувчилар кўз ўнгидаги камситилиб изза қилинмоқда.

Хукумат бор кучи билан 13 майдан кейин чегарадан ўтиб қочганларни қайтаришга ҳаракат қилинмоқда. Хукумат андижонлик қочқинларнинг оиласларига руҳий босим ўтказиб, яқинларингиз қайтса тегмаймиз деган ёлғон ваъдаларни бермоқда.

Австралияда қочқинлик мақомини олган Дилором Абдуқодирова бу ваъдаларга ишониб 2010 йилнинг янвайдаги Андижонга қайтди. Абдуқодирова дарҳол ҳибс қилиниб 30 апрел куни 10 йил ва икки ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Абдуқодирова чегарадан қонунсиз ўтиш ва конституцияга тажовуз қилишда айбли деб топилди. Суд мажлисларидан бирида Абдуқодирова юзлари калтақдан қўйкарсан ҳолда келтирилган. Бу холат Абдуқодировага СИЗОда ноинсоний муносабат қилинганига мисолдай кўринади.